



**«Иситмани сўкма. У одам боласининг хатоларини худди босқон темирнинг чиқиндисини кетказгандек кетказур», дедилар у зот».**

*Муслим ривоят қилган.*

Мўмин-мусулмон одам ўзига етган беморликни сўкмаслиги керак. Умму Соиб розияллоҳу анҳо ўзига етган иситма касалининг шиддатига чидай олмай, уни сўкишга тушганида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам дарҳол:

**«Иситмани сўкма. У одам боласининг хатоларини худди босқон темирнинг чиқиндисини кетказгандек кетказур»,** деганларидан шу маълум бўлади.

Шу ерда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муомалаларига алоҳида эътибор бермоғимиз лозим. У зот Умму Соиб розияллоҳу анҳога «Иситмани сўкма», дейиш билан кифояланмай, балки хасталикнинг ҳикматини ҳам баён қилмоқдалар.

**«У одам боласининг хатоларини худди босқон темирнинг чиқиндисини кетказгандек кетказур»,** демоқдалар.

Мусулмон инсон ўз гуноҳларини кетказадиган нарсани ҳам сўкиши мумкинми? Аксинча, бундай нарсага шукр қилмоғи керак бўлади.

*«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан*